

В настоящий момент в сфере повышения финансовой грамотности наблюдаются нижеследующие основные тенденции.

Цифровые технологии все больше интегрируются в экономику и обычную жизнь, оказывают непосредственное влияние на индустрию финансовых услуг, предлагая новые технологии, модели их распространения и новых участников. Проникновение диджитализации в общество и бизнес неуклонно растет, так мобильные денежные услуги доступны уже в 64% развивающихся стран. Отмечаются следующие тенденции, которые свидетельствуют о большом потенциале дальнейшего роста доли цифровых финансовых услуг: 30-50% клиентов банков пользуются мобильным банкингом; 82% финансовых организаций ожидают увеличения партнерства с финтех-компаниями в ближайшие 3 года; 56% финансовых организаций включили цифровую трансформацию в собственные стратегии развития; инвестиции в финтех-индустрию в среднем составляют порядка 25 млрд. долларов США и свидетельствуют о высоком росте отрасли; активное распространение данных благодаря технологий «big data» и других мобильных и электронных приложений.

Список использованной литературы

1. Баранова А. Финансовая грамотность. Учебное пособие. ИНФРА-М, 2023. -225с.
2. Яцков И.Б., Афанасьева С.В. Основы финансовой грамотности и предпринимательской деятельности. Учебник. Лань, 2024. -332с.
3. Хоменко Е.Б. Финансовая грамотность. Новый мир. Учебник. «Просвещение». 2023. -143с.
4. <https://stat.gov.kz/ru/> Ежегодные бюллетени Национального Бюро статистики РК

КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИГА СОЛИҚЛАР ТАЪСИРИНИ БАҲОЛАШ

Қудияров Кишибай Раматуллаевич
*Қорақалпоқ давлат университети
мустақил тадқиқотчиси, PhD, доцент*

Солиқлар нафақат давлатнинг бюджетини тўлдириш манбай бўлиб хизмат қиласди. балки корхоналарнинг молиявий фаолиятига таъсир кўрсатадиган муҳим инструментлардан ҳисобланади. Жумладан, билвосита солиқлар ишлаб чиқаришнинг самарали тартибга инструмент ҳисобланиб, улар билвосита корхоналарнинг нархларни ошириш орқали эмас, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш орқали фойда ўсишини таъминлашга йўналтиради. Билвосита солиқлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгаришига қараб, шартли равишда доимий (мол-мулк солиқлари, ер солиқлари) ва шартли ўзгарувчанларга (фойда солиғи, ижтимоий солиқ ва бошқалар) ажратилади. Шартли ўзгармас солиқларнинг қиймати ишлаб чиқариш ҳажмининг ўзгариши билан амалда ўзгармайди. Шартли ўзгарувчан солиқларнинг хусусиятлари ишлаб

чиқариш ҳажмининг ошиши билан улар бўйича солиқ тўловлари ўсиш тенденциясига эгалиги билан изоҳланади. Шу сабабдан, агар корхоналарда ишлаб чиқариш (иш, хизматлар) ҳажмини пасайиб бориш тенденцияси мавжуд бўлса, бундай ҳолатда шартли равища доимий солиқлар корхонанинг молиявий натижаларига энг салбий таъсир кўрсатади¹⁴³. Солиқ тўловлари нафақат жорий, балки келгуси даврларда ҳам короналар фаолиятининг барча кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир қиласди ва ушбу таъсирни ижобий ва салбий нуқтаи назардан баҳоланиши мумкин (1-расм). Солиқларнинг салбий таъсири корхоналарнинг даромадлари ва инвестиция имкониятларининг бевосита қисқаришида намоён бўлиб, бу бевосита таъсир солиқларнинг фискал функциясини амалга ошириш натижаси сифатида юзага келади.

Солиқларнинг корхоналар ижтимоий ва молиявий фаолиятига таъсирининг оқибатлари

Салбий (тўғридан-тўғри - фискал)

- харажатлар таркибига солиқларнинг киритиш ҳисобига уларнинг маҳсулот (ишлар ва хизматлар) таннархининг ошиши;
- КҚС ва акциз солиғи бўйича товарлар (ишлар ва хизматлар) нархини ошиши;
- талабнинг пасайиши натижасида сотиш ва ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиши;
- харажатларнинг ортиши сабабли соғ фойданинг камайиши;
- фойданинг камайиши туфайли инвестицияларнинг қисқариши;
- фойданинг камайиши билан ходимлар учун ижтимоий фаравонликни пасайиши.
- фаоллигининг пасайиши туфайли келди; фойданинг камайиши туфайли ходимлар учун ижтимоий нафақаларни камайтириш

Ижобий (бильвосита-рағбатлантирувчи)

- фойдани ошириш мақсадида харажатларни камайтириш йўлларини топиш;
- сотиш ҳажмини кўтариш мақсадида маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигини ошириш;
- фойдани кўпайтириш мақсадида ишлаб чиқариш, ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ва меҳнат унумдорлигини ошириш;
- менежмент самарадорлигини ошириш;
- маҳсулот таннархини камайтириш учун солиқ харажатларини қисқартиришни йўлларини излаш.

1-расм. Солиқларнинг корхоналар ижтимоий ва молиявий фаолиятига таъсирининг оқибатлари¹⁴⁴

¹⁴³Зарипова Н.Д. 2014. Анализ влияния налоговых на результаты деятельности организаций. <https://statecon.rea.ru/jour/article/view/427>.

¹⁴⁴Зарипова Н.Д. 2014. Анализ влияния налоговых на результаты деятельности организаций. <https://statecon.rea.ru/jour/article/view/427>.

Солиқларнинг ижобий томонлари корхоналарда меҳнат самарадорлиги, ишлаб чиқариш ва бошқарув учун ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўлларини топиш учун корхоналар самарали фаолиятини билвосита рағбатлантиришни ўз ичига олади. Корхоналарнинг фаолияти самарадорлигини оширишда солиқ тўловларининг уларнинг молиявий натижаларига таъсирини тизимли равища таҳлил қилиб бориш зарур ҳисобланади.

Солиқнинг корхоналарнинг молиявий фаолиятига таъсири юқори даражада бўлиб, солиқ тизимини такомиллаштириш корхоналар фаолиятини ривожланишини рағбатлантиришда муҳим роль ўйнади, шу сабабдан ноаниқлик шароитида тадбиркорлик субъектларини солиқقا тортишни оптималлаштириш керак. Солиқлар ва солиқقا тортишни такомиллаштириш йўналишларида кўплаб илмий изланишлар олиб борилишига қарамасдан, ушбу тадқиқотларда барча масалалар тўлиқ кўриб чиқилмаган¹⁴⁵. Илмий адабиётларда солиқقا тортишнинг тадбиркорлик фаолияти самарадорлигига таъсирини баҳолашнинг ягона ёндашуви ҳалигача мавжуд эмас.

Маълумки, маҳсулотнинг рақобатбардошлиги асосан икки мезон – сифати ва нархи билан белгиланади. Солиқ тўловлари ушбу мезонларга бевосита таъсир қиласи. Масалан, agar солиқ юки корхоналар фаолияти учун оғир бўлса, юқори сифатли хом ашё ва материалларни олиш, янги техника ва технологияни жорий этиш, юқори малакали мутахассисларнинг меҳнатига муносиб иш ҳақи тўловлар учун етарли маблағларга эга бўлмаслигига олиб келиши ўз навбатида маҳсулот сифатини таъминлаш имкониятини бермайди. Солиқ тўловлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархини ошириши оқибатида сотиш нархини юқори бўлишига олиб келади, бу табиий равища маҳсулотларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир қиласи, айниқса хорижий ишлаб чиқарувчиларни товарлари билан солиширганди. Солиқ юки қанчалик катта бўлса, солиқ тўловларининг маҳсулот таннархига таъсири шунчалик юқори бўлади. Маҳсулот таннархига солиқ юкининг кўрсаткичи нафақат солиқقا тортиш тизимидаги ўзгаришларга боғлиқ, шу билан бир қаторда, ишлаб чиқариш ва сотиш ҳажми, барча ишлаб чиқариш омилларидан ва биринчи навбатда, ишли кучидан фойдаланиш самарадорлигига, чунки суғурта тўловлари маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархининг таркибида сезиларли улушни эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

4. Зарипова Н.Д. 2014. Анализ влияния налогов на результаты деятельности организаций. <https://statecon.rea.ru/jour/article/view/427>.
5. Данчиков Е. А., Коваленко С. Н. 2023. Анализ современных подходов к оценке влияния налогов на эффективность деятельности субъектов. Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова. Том 20, № 4 (130). С.108-116.

¹⁴⁵Данчиков Е. А., Коваленко С. Н. 2023. Анализ современных подходов к оценке влияния налогов на эффективность деятельности субъектов. Вестник РЭУ им. Г. В. Плеханова ● 2023 ● Том 20 ● № 4 (130). С.108-116.